



????????????»». ???????? ?????????????? ??????????????:

«????? ?????????? ???????? ??? ?????????? ??????

?????????????»».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳу садақанинг хурмосидан бир дона олиб, оғзига солди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиҳқи!» деб ташлатмоқчи бўлдилар. Сўнгра:**

**«Биз садақа эмаслигимизни сезмаганмидинг?!» дедилар».**

*Икки шайх ривоят қилишган.*

*Муслимнинг ривоятида:*

**«Бизга садақа ҳалол эмаслигини билмасмидинг?!» дедилар»,**  
дейилган.

Бундан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оли байтлари садақа ейиши мумкин эмаслиги келиб чиқмоқда.

Имом Муслимнинг ривоятидан ейишми, бошқами, барибир, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оли байтларига садақа ҳаром экани маълум бўлмоқда. Шунинг учун закот уларга ҳаром эканида ҳеч шубҳа қолмайди.

???? ???????? ?????? ?????? ???????: ?????? ??????????

????? ?????????? ???????? ?????????????? ?????????????? ??????

????????????????? ?????????????????????? ???????????: «????????? ??????



??????? ?????????????????????? ???????????????.

*Абу Рофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Махзумдан бир кишини закот тўлагани юбордилар. Бас, у Абу Рофеъга: «Мен билан бирга юр, у(закот)дан насибадор бўласан», деди. У: «Олдин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраб кўрай», деди ва бориб сўради. Бас, у зот:**

**«Қавминг мавлоси улардандир. Албатта, бизга садақа ҳалол бўлмайди», дедилар».**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган. Термизий саҳиҳ деган.*

«Мавло» дегани озод қилинган қулдир. Абу Рофеъ ҳам Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлоларидан эди. Шунинг учун ҳам унга садақа ҳалол бўлмайди.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оли байтлари кимлар?» дейилганда:

Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳи: «Бану Ҳошим ва Бану Муттолиблар», дейди.

Абу Ҳанифа ва Молик раҳматуллоҳи алайҳилар эса: «Фақат Бану Ҳошим. Бану Ҳошим эса Али, Ақийл, Жаъфар, Аббос ва Ҳориснинг авлодларидир», деганлар.

Бу ҳукмда катта ҳикмат ўз аксини топган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳам садақа олмасликлари, оли байтларига ҳам садақа олишга рухсат бермасликлари билан нафсларини покиза тутиб, ифбатли ҳолда туришда бошқаларга ўрناق бўлишни ирода қилганлар. Нима бўлганда ҳам, кишиларнинг садақасини олганлар уларнинг миннатларига ҳам қоладилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ҳам, оли байтларининг ҳам ана шундай миннатга қолишларини хоҳламаганлар.

Иккинчидан, Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари садақа олсалар ва оли байтларига садақа олишга рухсат берсалар, турли-туман

ноҳақ гумон ва гап-сўзлар келиб чиқиши мумкин эди. Баъзи бир оғзига кучи етмаганлар, Худодан умиди йўқлар: «Набий закот ва ихтиёрий садақаларни ўзи ва оли байтининг манфаатини кўзлаб шариатга киритган», дейишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас эди.

**«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.